

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВА ШахнозаРавшановна

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН СЕБАРГА ТУРЛАРИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ТАВСИФИ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Халилова ШахнозаРавшановна

Ўзбекистонда ўсадиган себарга турларини фармакогностик
тавсифи.....3

Халилова ШахнозаРавшановна

Фармакогностическая характеристика видов клевера, произрастающих в
Узбекистане.....21

KhalilovaShakhnozaRavshanovna

Pharmacognostic study of clover species growing in
Uzbekistan.....41

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХАЛИЛОВА ШахнозаРавшановна

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН СЕБАРГА ТУРЛАРИНИ
ФАРМАКОГНОСТИК ТАВСИФИ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Far.9 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Урманова Флюра Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Зокиржон Обидович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташқилот:**

Патсаев Анапия Каныбекович
кимё фанлари доктори, профессор, академик

**А.Султанов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика
илмий тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSC.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 10 » ноябрь 2018й. соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент, Миробод тумани, Ойбек кўч. 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2018йил «24» октябрь куни тарқатилди.
(2018йил «24» октябрьдаги 7 - рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси т.ф.д., профессор

Р.Т.Туляганов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби б.ф.д., профессор

С.Н. Аминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда касалликларни даволаш амалиётида синтетик дори воситаларидан кўра доривор ўсимликлар асосида олинган препаратларни қўллашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича 150 млн.дан ортиқ киши қандли диабет хасталигига дучор бўлган бўлиб, уларнинг 80-90 фоизи иккинчи типдаги диабетга тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич 2025 йилга келиб 300 млн. кишига етиши тахмин қилинмоқда. Шу жиҳатдан ҳам қандли диабет билан касалланганларни даволашда синтетик дори воситаларидан кўра доривор ўсимликлардан олинган препаратларнинг комплекс таъсирга эгалиги ҳамда безарарлиги туфайли тиббиёт амалиётида уларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Жаҳонда касалликларни даволаш амалиётида доривор ўсимликлардан олинган препаратларнинг самарадорлиги ва безарарлигини эътиборга олган ҳолда мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллий флора ўсимликларининг янги турларини аниқлаш, янги туркум хом ашёлардан тегишли моддаларни ажралиб олиш ҳамда дори воситаларни ишлаб чиқишнинг мўътадил усулларини асослаш, шунингдек, маҳаллий ўтлоқ ўсимликларнинг истиқболли турларини фармацевтика амалиётига жорий қилиш бўйича тадқиқотларга устувор изланишлар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси доривор ўсимликларга бой минтақалардан бири ҳисобланади. Қадимдан халқ табобатида себарга ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари маълум бўлиб, турли касалликлар учун ишлатиб келинган. Мустақиллик йилларида, айниқса кейинги йилларда яратиб берилган кенг имкониятлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Жаҳонда рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда маҳаллий истиқболли доривор ўсимликлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган арзон, сифатли дори воситалар яратиш ҳамда саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий қилиш борасидаги ишлар кўлами кенгайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш»¹ муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда себарга ўсимлиги республикамиз ҳудудида кенг тарқалганлиги, маҳаллий себарга доривор ўсимлик хом ашёси асосида кенг терапевтик таъсирга, шу жумладан диабетга қарши эга бўлган маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни стандартлаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида аҳамият

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

касб этади.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3137-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларни ретроспектив таҳлил қилиш натижасида Буюк Абу Али ибн Синонинг илмий қўлланмаларида ўтлоқ себарга ўсимлиги «хандакука» номи остида таърифланганлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда доривор ўсимликларни фитокимёвий ўрганиш ва маҳаллий хом ашёлар асосида дори воситаларни яратиш бўйича Х.Х.Холматов, Т.П.Пўлатова, А.Я.Ибрагимов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, С.Н.Аминов, А.Қ.Ғаниев, У.М.Азизов каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида себарга ўсимлиги турли давлат олимлари томонидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. *Trifolium* L. туркумига мансуб себарга ўсимлиги турларини фитокимёвий ўрганиш, улар таркибидаги биофаол моддаларни ажратиб олиш ва улар асосида биофаол кўшимчаларни ишлаб чиқариш бўйича Бабаскин В.С., Ботиров Э.Х., Дренин А.А., Казаков А.Л., Atkinson Ch., Banisalam B., Clare A.M., Day N.E., Dunning A. M, Dowling C., Dowsett M., Esmaeili A.Kh., Frydenberg M., Healey C.S, Husband A.J., Jarred R.A., Keikha M., Khazaei M., Li S., Liu S., Mohajer S., Risbridger G.P., Runswick Sh., Sala E., Scollen S., Sun Z., Taha R.M., Tian O., Pedersen J.S., Warren R. ML. лар томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамиятга эга. Улар турли ҳил, ўз кимёвий таркиби бўйича мураккаб бўлган биологик фаол моддалар, ўсимликнинг терапевтик самарадорлигига таъсир ўтказувчи, себарга турлари, турларнинг кимёвий таркиби улар ўсаётган жойга боғлиқлиги топилган, биологик фаол кўшимчалар сифатида кўп ҳолларда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маҳаллий себарга ўсимлиги турларини фитокимёвий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган ўсимликлар қаторига киритиш мумкин. Маҳсулотни чинлигини ва сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатни йўқлиги; себарга ўсимлиги турларининг чинлигини баҳоловчи морфологик-анатомикдиагностик белгиларини йўқлиги; асосий таъсир

қилувчи моддаларнинг сифати ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олиў таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий флоранинг себарга ўсимлиги турлари асосида самарали дори воситаларини яратиш ва уларни тиббиёт амалиётида қўллаш имкониятларини асослаш ҳамда ўсимликларни фармакогностик тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ресурсшунослик ва кимёвий таҳлиллар, замонавий ўрганилганлик ҳолати, тузилиши бўйича ҳар хиллиги ва биологик фаоллиги асосида Ўзбекистон флорасининг *Trifolium* L. туркумига мансуб себарга турларини истиқболли доривор ўсимлиги хом ашёси сифатида қўлланишини асослаш; маҳаллий флорани себарга ўсимлигининг 7 та турини морфологик-анатомик тузилишини ўрганиш ва мазкур ўсимлик хом ашёсини стандартлаш учун анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш;

асосий биологик фаол моддаларни аниқлаш мақсадида *Trifolium* L. турини кимёвий таркибини ўрганиш; изланишлар натижасида специфик фаоллигини асослаб берувчи пинитол ва изофлавоноид сақловчи себарга ўсимлиги турлари орасидан истиқболли турини танлаш;

доривор ўсимлик маҳсулоти, у асосидаги қуруқ экстракти ва дори шакли таркибидаги пинитол ва изофлавоноидларнинг сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш;

доривор ўсимлик маҳсулоти ва дори воситасининг специфик фаоллигини белгиловчи асосий таъсир этувчи моддасини стандартлаш параметрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш ва клиник олди тадқиқотларни ўтказиш; шунингдек, корхона фармакопоя мақоласи лойиҳасини ишлаб чиқиш учун хом ашёнинг сифатини белгиловчи кўрсаткичларини аниқлаш;

олиб борилган тадқиқотлар асосида тавсия этилаётган хом ашё ва дори воситасига тегишли меъёрий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тиббиётда қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВ “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази” ДУКга тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий флоранинг *Trifolium* L. туркумига мансуб себарга ўсимлиги турларини ер устки қисми олинган: дала с. - *T.campestre* S., ербағирлаган с. - *T.fragiferum* L., чакамуғ с. - *T.lappaceum* L., майда, кўримсиз с. - *T.neglectum* C., судралиб ўсувчи, оқ с. - *T.repens* L., ағдарма с.-*T.resupinatum* L., ҳамда ўтлоқ себаргани-*T.pratense* L.

ер устки қисми, илдизи, уруғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети себарга ўсимлиги турларининг биологик фаоллигини таъминловчи асосий компонентларини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек истиқболли ўтлоқ себарга хом ашёси ва унинг қуруқ экстракти асосидаги дори воситасини стандартлаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда физик-кимёвий, кимёвий, фармакологик, технологик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган дори препаратининг сифат назорати «Доривор ўсимлик маҳсулотлари таҳлил усуллари», «Экстрактлар» (ХІ ДФ, 1,2 қисм) умумий фармакопея мақолалари талабларига мувофиқ олиб борилган ҳамда миқдорий таҳлилида УБ-спектрофотометрия ва масс-спектрометрия (ICP-MS AT-7500 спектрометри, АҚШ), юқори самарали суюқлик хроматография (Agilent Technologies 1100, АҚШ), газ-суюқлик хроматографияси (Agilent 6890 N, АҚШ), ион алмашилиш хроматографияси («Т-339» аминокислота анализатори, Чехия) ҳамда кимёвий усуллар ишлатилган. Натижаларнинг статистик таҳлилида Стъюдентнинг t-критерийсидан ва махсус компьютер дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий флоранинг себарга ўсимлигининг 7 та турининг морфологик-анатомик тадқиқи асосида доривор ўсимлик маҳсулотини стандартлаш учун зарур анатомик-диагностик белгилари аниқланган;

илк бор *Trifolium L.* туркуми хом ашёсидан пинитол ва изофлаваноид моддаларнинг кўп миқдорда ажралиб олишни таъминловчи мўътадил усуллари ҳамда пинитол ва изофлаваноидлар йиғиндисини формононетинга нисбатан сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий ўтлоқ себарга ўсимлигининг турли қисмларида пинитол ва изофлаваноидлар миқдори аниқланган, ҳамда себарга ўсимлиги турлари орасидан истиқболли ўтлоқ себаргасини кимёвий таркиби аниқланган;

илк бор ўтлоқ себарга маҳсулоти ва уни асосидаги дори шаклини сифатини баҳоловчи стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда истиқболли ўтлоқ себарга ўсимлиги маҳсулотини анатомик-диагностик белгилари ва сифатини белгиловчи кўрсаткичлар, экологик тозаллиги ва қўлланишда хавфсизлиги аниқланган;

тавсия этилган хом ашё таркибидаги пинитолни тўпланиш динамикаси асосида сифат ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилиб, пинитолнинг миқдор меъёри аниқланган, тажрибада уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари асосланган;

ўтлоқ себарга хом ашёсидан олинган қуруқ экстракт асосидаги оригинал дори воситасини специфик фаоллиги ва фармако-токсикологик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўсадиган *Trifolium L.* туркумининг 7 та вакиллари биологик фаол моддаларни кимёвий табиати ҳақида назарий хулосалар

умумлаштирилган ва тажрибавий маълумотлар кенгайтирилган;

пинитол ва изофлавоноидларни янги маҳаллий манбааси - ўтлоқ себарга хом ашёси ҳамда ўтлоқ себарга ер устки қисми юқори гипогликемик фаолликка эга дори воситаси сифатида қуруқ экстракти ва у асосида “Диабефор” капсулалари тиббиёт амалиётига тавсия этилган;

"Remedy Group" Ўзбек-Британия қўшма корхонаси шароитида ўтлоқ себарга қуруқ экстракти ва у асосидаги “Диабефор” капсулалари муқобил таркиби ва ишлаб чиқариш технологияси ҳамда Ўзбекистонда ўсувчи ўтлоқ себаргаси ер устки қисми учун маҳсулотни йиғиш ва қуриштириш инструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар замонавий математик, статистик, таҳлилий усуллар ва клиник текширувлар асосида ва саноат миқёсида ишлаб чиқариш жараёнида тасдиқланган. Текширувлар масс-спектрометрия (ICP-MS AT 7500, АҚШ), юқори самарали суюқлик хроматография (Agilent1100, АҚШ), газ-суюқлик хроматография (Agilent 6890 N, АҚШ) каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган ҳамда лаборатория тадқиқотлари амалиётда ва саноат миқёсида синаб кўрилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий себарга ўсимлиги турларини морфологик-анатомик тузилиши ва кимёвий таркиби ўрганилганлиги асосида диабетга қарши янги дори воситасининг терапевтик самарадорлиги бўйича хорижий доривор ўсимликлар асосида олинган препаратлардан кам бўлмаган дори воситани ишлаб чиқариш имкониятини яратилиши ҳамда ўтлоқ себарга хом ашёси асосида олинган қуруқ экстракт таркибидаги пинитол, изофлавоноид ва бошқа компонентларни ўз ичига олган капсула дори воситасини олиш технологияси ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти доривор ўсимлик маҳсулотларидан ишлаб чиқариладиган дори воситаларни ассортиментини кенгайтириш мақсадида ўтлоқ себарга қуруқ экстракти ва у асосидаги «Диабефор» капсулалари ишлаб чиқилди ва самарадорлиги, иқтисодий жиҳатдан улардан устун бўлган, безарар, аҳолини эҳтиёжини қондириш имконини берадиган, ўсимлик хом ашёси асосида олинган диабетга қарши оригинал дори восита сифатида тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, саноатда ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги билан исботланади. Диабетга қарши “Диабефор” капсулаларини ишлаб чиқариш хориждан импорт қилинадиган антидиабетик дори препаратларининг ўрнини босади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтлоқ себарга ер устки қисмининг кимёвий таркибини ўрганиш, тавсия этилаётган хом ашё ва унинг асосида яратилган қуруқ экстракт ва дори воситасини стандартлаш усулларини ишлаб чиқишда олинган илмий натижалар асосида:

ўтлоқ себаргаси қуруқ экстракти асосидаги диабетга қарши воситаси

учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05095, 2015 й.). Натижада олинган курук экстракт унинг асосида дори воситасини олиш имкони яратилган;

ўтлоқ себарга ер устки қисми маҳсулоти, субстанция - ўтлоқ себаргаси курук экстракти ва унинг асосидаги дори воситаси “Диабефор” капсулалари учун «Remedy Group» қўшма корхонасида КФМ лойиҳалари ишланиб, клиник синовдан ўтказиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизация давлат маркази» ДУК томонидан рўйхатга олинган (Фармакология қўмитаси Раёсатининг 2017 йил 19 апрелдаги 7-сон қарори) ҳамда Этика қўмитаси томонидан мазкур препаратни клиник синовдан ўтказишга руҳсат берилган (Этика қўмитасининг 2018 йил 8 январдаги 9/16-сон маълумотномаси), (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида қандли диабет касаллигини маҳаллий доривор ўсимликлардан олинган препарат асосида самарали ва безарар даволаш имконияти яратилади.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та ихтиро патенти олинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, шахсий тадқиқотларнинг учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсади ва вазифалари аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети, усуллари, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Себарга турларини умумий тавсифи**» деб номланган биринчи боби ўз ичига маҳаллий ва хорижий олимларнинг себарга ўсимлиги турлари бўйича бажарилган илмий натижалари, кимёвий

таркиби ва тиббиётда қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ўсадиган *Trifolium L.* туркумига мансуб турларининг морфологик ва анатомик тузилишини аниқлаш» деб номланиб, тадқиқот объектлари, ўсимлик хом ашёсини йиғиш, уни таҳлилга тайёрлаш, себарга ўсимлигини 7 та турини морфологик ва анатомик тузилиши ҳақидаги аниқланган натижалар келтирилган. Ўсимлик маҳсулотининг ташқи белгилари ва микроскопик тузилиши XI ДФнинг талабларига мувофиқ ўрганилди.

Тадқиқот натижаларида ҳар бир себарга тури маҳсулотларини стандартлаш учун уларни анатомик-диагностик белгилари аниқланди:


-мураккаб уч баргда – баргчани шакли эллипсимон, кенг тескари тухумсимон, икки хужайрали сўгалли туклар, эпидермис хужайра деворларини шакли: эгри-бугри (*T.pratense*, *T.lappaceum*, *T.campestre*, *T.repens*) ва текис (*T.fragiferum*, *T.resupinatum*, *T.neglectum*); оғизча аппаратини тузилиши бўйича: аномоцит (*T.pratense*), анизоцит (*T.repens*) парацит (*T.fragiferum*, *T.neglectum*), диацит (*T.resupinatum*) ва гемипарацит (*T.lappaceum*, *T.campestre*); мезофилл тузилиши бўйича: булутсимон (*T.pratense*) ва дорсивентрал (қозиксимон тўқимаси): бир-қатор–(*T.repens*, *T.campestre*, *T.neglectum*); икки-қатор – *T.fragiferum*, *T.resupinatum*; уч-қатор – (*T.lappaceum*), булутсумон тўқима 5-7 қатор бўлиб, хлоропластлардан иборат (*T.campestre*, *T.resupinatum*), хужайралараро бўшлиқлар мавжуд (*T.pratense*, *T.repens*); асосий ўтказувчи боғламни тузилиши барча турларда коллатерал;

-ҳар бир гулида ўзига хос специфик белгилари мавжуд бўлиб, гултоғбарг ва гулкосачабаргни эпидермис хужайраларининг шакли ва тузилиши: юқори қисми чўзиқ, чуқурчали учбурчак шаклли (*T.pratense*), бироз чўзиқ эгри-бугри деворли 5-6 бурчакли (*T.campestre*), чўзиқ бироз эгри-бугри деворли 4-5 бурчакли (*T.resupinatum*) оғизчаси анизоцит ва гемипарацит типда (бошқа турларда учрамайди) тузилиши косачабаргни тишларини ва тукларини тузилиши ва шакли бўйича: *T.pratense* эпидермис деворлари юпқа, текис деворли ва сўрғичсимон ўсимталари мавжуд, икки хужайрали ва безли; гулкосачабаргни туклари бир хужайрали, майда;

-поясида: оддий икки хужайрали сўгалли туклар ва 5-7-хужайра бошчали 4-5-хужайра оёқчали безли туклар, эпидермис хужайра деворлари бироз эгри бугри, пояни асосий боғламининг тузилиши бўйича коллатерал; перфорацион пластинкаларнинг тузилиши оддий, найлар кетма-кет жойлашган.

1-расмда себарга турлари баргини мезофилл тузилишининг анатомик белгилари кўрсатилган.

Пинитол ва изофлавоноидларнинг кенг қамровли физиологик фаоллигини, уларнинг маҳаллий себарга ўсимлиги турлари таркибида мавжудлигини ва йиғилишини инобатга олган ҳолда “Себарга турлари орасида истиқболли шифобахш ўсимлик хом ашёсини аниқлаш” учинчи бобида келтирилган ҳамда пинитолва изофлавоноид сақловчи




самарали дори воситани ишлаб чиқариш имконияти ўрганиб чиқилган.


Хом ашё таркибида пинитолни сифат жиҳатдан аниқлаш учун этилацетат-метанол (3:2) система эритувчиларида «Silufol UV-254» пластинкалари сорбентнинг юпка қаватларида тақсимланиш хроматография усули таклиф этилган. Очувчи реактив сифатида концентрацияланган сульфат кислотаси пуркалганда қизил-жигарранг рангли доғ пайдо бўлиши керак, бу пинитол стандарт намунасига мос келади ($R_f 0,60$ га тенг).

Пинитол миқдори ЮССХ усули билан Agilent 1100 суюқлик хроматографиясида аниқланди. Детекторлаш программалаштирилган рефрактометрик детектор ёрдамида 25 x 0,46 см ўлчамли Ultrasphere - amino нормал-фаза колонкасида (Beckman, АҚШ) хона ҳарорати шароитида амалга оширилди. Кўзгалувчи фаза сифатида ацетонитрил ва сувнинг 75:25 нисбатидаги аралашмасидан фойдаланилди, ҳамда олдиндан газсизлантирилган ва ғоваклиги 0,22 мкм бўлган мембрана фильтр орқали филтрланди. Элюент узатиш тезлиги-1 мл/дақиқа, таҳлил давомийлиги –

20 дақиқани ташкил этди (расм 2,3).



2-расм. Пинитол стандарт моддасининг хроматограммаси



3-расм. Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги пинитол ва қандлар миқдорининг хроматограммаси

Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Себарга турлари таркибидаги пинитол ва қандларнинг миқдори

Себарга турлари	Пинитол Pin %	Қандлар Sug, %					
		араби- ноза Ara	глю- коза Glc	ман- ноза Mann	рам- ноза Rha	сахаро- за Sucr	фрук- тоза Frc
T.campestre S.	0,020	-	0,320	-	0,110	0,740	2,050
T.fragiferum L.	2,100	-	0,450	-	0,270	0,310	0,620
T.lappaceum L.	0,008	0,017	0,350	0,007	0,240	0,820	1,200
T.neglectum C.	2,400	-	0,180	-	0,530	0,360	1,260
T.pratense L.	4,060	0,345	0,430	-	0,040	0,200	1,010
T.repens L.	0,800	-	0,210	-	0,300	0,600	-
T.resupenatum L.	0,042	0,305	0,575	0,038	0,022	1,600	1,500

*Пинитол ва қандларни идентификацияси бир пайтда амалга оширилган. Бу уларни метаболит келиб чиқиши ҳамда физик ва хроматографик хоссалари яқинлиги билан изоҳланади.

1-жадвалдаги таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, пинитолнинг миқдори ўтлоқ себарга ўсимлиги маҳсулоти таркибида кўплиги аниқланди.

Ўсимликнинг морфологик гуруҳларида пинитолнинг миқдори ўрганилди ва уни ер устки қисмида > уруғида > илдизида аниқланди.

Хом ашё таркибида изофлавоноидларни сифат жиҳатдан аниқлаш

учун хлороформ-метанол-чумоли кислотаси (31:1:0,15) система эритувчиларида «Silufol UV-254» пластинкалари сорбентнинг юпқа қаватларида тақсимланиш хроматография усули таклиф этилган. Очувчи реактив сифатида аммиакни парлари ишлатилди. Натижада УБ-нурда тўқ-жигарранг рангли доғ пайдо бўлиши керак, бу формонетин стандарт намунасига мос келади (R_f 0,58 га тенг).

Изофлавоноидларни миқдорини аниқлаш учун спектрофотометрия усулидан фойдаланилди. Ўтлоқ себарганинг ер устки қисмидан сувли ва спиртли ажратмаларининг УБ-спектрлари ўрганилди. Спектрлар «Agilent 8453» спектрофотометри ёрдамида аниқланди. Текширилаётган ажратма ютилиш максимуми 260 ± 5 нм тўлқин узунлигида қайд этилган. У билан формонетин стандарт эритмасининг ютилиш максимуми мос келди. Юқоридагиларни инобатга олган холда, формонетин стандарт модда сифатида ишлатилиши мумкинлигини кўрсатди.

Тажрибада асосида, изофлавоноидларни ўсимлик маҳсулотидан ажратиб олишнинг мўътадил шароитлари аниқланди: экстрагент - 60% этил спирти, хом-ашёни майдалиги тешиги 1 мм диаметр ўлчамли элакдан ўтадиган, сув хаммомида 45 дақиқа давомида қиздирилганда, хом-ашё: экстрагент – 1:30 нисбатда изофлавоноидларни максимал ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

Себарга турлари маҳсулоти таркибидаги изофлавоноидларни миқдорини (формонетинга нисбатан) камайиши бўйича қуйидаги қаторда жойлаштириш мумкин (%): *T.pratense* ($4,35 \pm 0,04$) > *T.lappaceum* ($2,05 \pm 0,07$) > *T.fragiferum* ($1,80 \pm 0,03$) > *T.neglectum* ($1,54 \pm 0,05$) > *T.resupenatum* ($1,35 \pm 0,02$) > *T.campestre* ($1,28 \pm 0,05$) > *T.repens* ($1,10 \pm 0,04$).

Келтирилган натижаларга асосланиб, себарга ўсимлиги турларини пинитол ва изофлавоноидларни миқдори жиҳатидан энг кўп ўтлоқ себарганинг ер устки қисми таркибида борлиги аниқланди ва истиқболли доривор ўсимлик маҳсулоти сифатида танлаб олинди. Кейинги босқичда ўрганилаётган ўсимликнинг биологик фаол моддаларини аниқлаш бўйича маълумотлар баён этилган.

Амикислоталар таркибини ўрганишда, дастурий бошқарувли Т-339 (Mikrotechna-Prague) маркали аминокислота анализаторида аниқланди. Натижада ўрганилаётган ўсимлик маҳсулоти таркибида 16 та аминокислоталардан иборатлиги, улардан 9 таси алмашиб бўлмайдиган аминокислота эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Келтирилган натижалар асосида, ўтлоқ себарга ер устки қисмида мажор компонентли аминокислоталардан глютамин, аспарагин ва аргинин кислоталар эканлиги маълум бўлди.

Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги ёғ кислоталар липидларни таркибини аниқлашда аланга-ионланиш детекторли Agilent Technologies 6890 N хроматографида ГСХ усулида таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасида 16 та ёғ кислоталар аниқланди, улар орасида энг кўп миқдорда пальмитин, олеин, линол ва линолен кислота борлиги аниқланди

Ўтлоқ себарга маҳсулотининг аминокислоталар таркиби

№	Идентификацияланган аминокислоталар		Аминокислоталар миқдори, n ¹ mol	Аминокислоталар миқдори, %	Аминокислоталар миқдори, % умумий йиғиндисига нисбатан
1	Аланин	Ala	16,67	0,30	4,20
2	Валин*	Val	11,79	0,28	3,92
3	Глицин	Gly	19,87	0,30	4,20
4	Изолейцин*	Ile	8,56	0,22	3,08
5	Лейцин*	Leu	15,85	0,42	5,88
6	Серин	Ser	15,57	0,33	4,62
7	Треонин*	Thr	10,71	0,25	3,50
8	Метионин*	Met	1,72	0,05	0,70
9	Фенилаланин *	Phe	11,81	0,39	5,46
10	Тирозин	Tyr	7,37	0,27	3,78
11	Глутамин	Glu	60,00	1,76	24,65
12	Аспарагин	Asp	31,91	0,85	11,90
13	Аргинин*	Arg	29,71	1,03	14,43
14	Лизин*	Lys	9,47	0,28	3,92
15	Гистидин*	His	7,57	0,21	2,95
16	Пролин	Pro	8,70	0,20	2,80
*-алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар					
Аминокислоталар умумий йиғиндиси				7,14	
Алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар йиғиндиси				3,13	43,84


(ёғ кислоталарини умумий суммасидан 88,8%).

Тўйинмаган ёғ кислоталарни умумий суммаси 60%дан юқори (3-жадвал).

Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги ёғ кислоталарининг миқдори

№	Ушланиш вақти, дақиқа	Идентификацияланган кислоталар		Миқдори, % ёғ кислоталарни умумий йиғиндисидан
1.	3,052	Каприн	10:0	0,13
2.	5,588	Лауриня	12:0	0,73
3.	9,633	Миристиня	14:0	1,11
4.	11,911	Пентадекан	15:0	0,70
5.	13,733	Пальмитолеин	16:1	0,48
6.	14,268	Пальмитин	16:0	23,43
7.	16,491	Маргарин	17:0	0,63
8.	18,057	Линол	18:2	28,65
9.	18,221	Олеин+Линолен	18:1+ 18:3	36,75
10.	18,719	Стеарин	18:0	4,16
11.	22,372	Эйкозен	20:1	0,20
12.	22,906	Арахин	20:0	1,11
13.	26,818	Беген	22:0	0,89
14.	30,453	Лигноцерин	24:0	0,83
15.	34,240	Церотин	26:0	0,20
Σтўйинган кислоталар				33,92
Σтўйинмаган кислоталар				66,08

Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги органик кислоталар миқдорини ЮССХ усули билан суюқлик хроматографи Agilent 1100 аниқланди (4-расм).



4-расм. Ўтлоқ себарга ер устки таркибидаги органик кислоталар миқдорининг хроматограммаси

Таҳлил натажалари шуни кўрсатдики, ўтлоқ себарга ер устки қисмида олма, вино, сирка, аскорбин, лимон ва янтар кислоталар борлиги аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги органик кислоталар миқдори

Ушланиш вақти, дақиқа	Органик кислоталар	Миқдори, %
3,105	вино	3,580
3,524	олма	2,940
3,774	аскорбин	0,120
3,932	сирка	0,520
4,610	лимон	1,900
5,081	кахрабо	2,500

Каротиноидларни сифат таҳлили юпқа қаватли хроматография усули ёрдамида олиб борилди. Таҳлил натижасида каротиноидлар аниқланди, улардан учтаси α - β - γ - каротинларга тўғри келди.

Каротиноидларни миқдорий таҳлили спектрофотометрия ёрдамида аниқланди ($8,05 \pm 0,75$ мг%).

Ўтлоқ себарга ер устки қисмидаги углеводли комплексни ўрганишида даставвал бўёвчи моддалар ва паст молекулали бирикмаларни бартараф этиш учун хом ашёга хлороформ билан уч мартаба ишлов берилди, кейин этанолбилан экстракция қилинганда спиртда эрийдиган қандлар (фруктоза, сахароза и глюкоза) экстрактга ўтди. Шундан сўнг, хом ашёни иссиқ сувда (сувда эрийдиган полисахаридлар - 1,09 г ёки 4,12%), оксалат кислота ва аммоний оксалатнинг 0,5%ли эритмаларининг 1:1 нисбатдаги аралашмаси (пектин моддалар - 0,67 г ёки 2,77%) ва натрий гидроксиднинг 5% эритмаси (гемицеллюлоза - 1,66 г ёки 5,06%) ёрдамида босқичма-босқич селектив экстракция қилиш орқали полисахаридлар этанол билан чўкмага тушириб ажратиб олинди.

Полисахаридлар таркибидаги идентификацияланган моносахаридларнинг қолдиқларини ГСХ усули ёрдамида аниқланди. Газ суюқ хроматографиясида аланга-ионланиш Chrom-5 детекторли, шиша колонкали (250x0,3см), 5% ХЕ билан тўлдирилган, газ-ташувчи гелий, 60мл/дақ, 200°С да хроматограмма намуналари ацетат алдонитритлар кўринишида олинди. Углеводлар йиғиндисининг таҳлил натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Ўтлоқ себарга ер устки қисмидаги полисахаридлар ва улар таркибидаги моносахаридларни миқдори

Ажратиб олинган полисахаридлар	Унум, %	Моносахаридлар таркиби							
		галактоза Gal	глюкоза Glu	ксилоза Xyl	арабиноза Ara	рамноза Rha	фруктоза Frc	сахароза Sucr	галактурон кислотаси GalUA
Сувда эрийдиган полисахаридлар СЭПС	4,12	1,6	2,66	1,0	8,0	2,0	+	+	+
Пектин моддалар ПМ	2,77	1,5	1,0	2,4	2,55	1,0	+	+	+
Гемицеллюлоза ГМЦ	5,06	3,2	1,0	1,4	6,0	1,28	+	+	+

Ушбу 5-жадвалдаги таҳлил натижаларига кўра маҳсулот таркибида энг кўп миқдорда ГМЦ эканлиги ҳамда моносахаридлардан арабиноза доминант эканлигини аниқланди.

Маҳсулотдаги элемент таркибини ўрганишида индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усули ёрдамида аниқланди. Текширилаётган намуналарни парчалаш учун азот кислотаси ишлатилди. Олинган эритмалар таҳлили спектрал-аналитик комплекс ICP-MSAT 7500 “Agilent Technologies” (АҚШ) Semiquant тартибида олиб борилди.

Таҳлил натижасида 42 минерал элементлар мавжудлиги аниқланди. Аниқланган элементларни улар миқдорини камайиши бўйича қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин: K> Ca> Fe> Se> Mg> Na> Cr> Ni> Al>Sr>Mn>Zn>Br>Ba>Ti>Cu>Mo>I>B>Rb>Li>V>As>Hg>Co=Pb> Pd >W > Sn=Sb>Sc>Cs>U>Nb>Cd>Bi>Te>TI>Ir=Hf>Be>In.

Токсик минерал элементлар миқдорлари белгиланган МХ талабига жавоб берди.

Олинган натижалар ўтлоқ себарга ўтининг таркибини биологик қимматлигини тавсифлайди.

Маҳаллий доривор ўсимлик маҳсулоти ўтлоқ себарга ер устки қисми, субстанция-ўтлоқ себаргаси ўсимлигининг куруқ экстракти ва ўтлоқ себаргаси ўсимлигининг куруқ экстракти асосидаги «Диабефор» капсулалари дори воситасини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида стандартлаш билан боғлиқ тажриба маълумотлар диссертациянинг тўртинчи “Тадқиқот натижаларининг амалий қўллаш билан боғлиқ масалалар ечими” бобида келтирилган.

Ўтлоқ себарга ўсимлигини гипогликемик таъсири энг аввало унинг таркибидаги пинитол моддасининг специфик биологик фаоллиги билан боғлиқ. Шуни инобатга олган ҳолда маҳсулотни стандартлаш ишларида

сифатини белгиловчи асосий мезон сифатида пинитол моддаси танлаб олинди. Хом ашёнинг чинлиги унинг ташқи ва анатомик-диагностик белгиларини ўрганиш, асосий таъсир этувчи моддаларни сифат реакциялари натижалари бўйича аниқланди.

Ўтлоқ себарга ер устки қисми таркибидаги пинитолни миқдорини юқорида келтирилган ЮССХ усули ёрдамида аниқланди.

Пинитолни тўпланиш динамикаси ер устки қисми таркибида ўсимликнинг онтогенезида аста-секин кўпайиб боради ва гуллаш даврида максимал даражага етади ($4,46 \pm 0,84\%$), сўнгра камаяди. Шу муносабат билан, кўрсатилган муддат хом ашёни тайёрлашнинг оптимал муддати сифатида белгиланди. Пинитол миқдорининг мавсумий динамикаси ҳақидаги маълумотлардан биз ўтлоқ себарга ер устки қисмини тайёрлаш ва қуритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқишда фойдаландик. Олиб борилган пинитолнинг миқдорини аниқлаш натижаларига асосан унинг ўтлоқ себарга ер устки қисмидаги миқдори 3%дан кам бўлмаслиги белгиланди.

Ўтлоқ себарга ер устки қисмининг 5 та партиясида олиб борилган кимёвий ва товаршунослик таҳлиллар асосида тавсия этилаётган маҳсулотни сифатини белгиловчи сонли кўрсаткичлари аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

Ўтлоқ себарга маҳсулотини сонли кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Маҳсулот учун стандарт	
	бутун	майдаланган
Пинитол миқдори, % дан кам эмаслиги	3,0	3,0
Намлиги, % дан ошмаслиги	10,0	10,0
Умумий кули, % дан ошмаслиги	10,0	10,0
10% ли хлорид кислотасида эримайдиган кул, % дан ошмаслиги	1,0	1,0
Сарғайган ва қорайган ер устки қисми, % дан ошмаслиги	7,0	7,0
7 мм диаметри элакдан ўтмайдиган зарралар, % дан ошмаслиги	-	4,0
0,25 мм диаметри элакдан ўтайдиган зарралар, % дан ошмаслиги	-	3,0
Органик аралашмалар, % дан ошмаслиги	1,0	1,0
Минерал аралашмалар, % дан ошмаслиги	1,0	1,0

Табиий сақлаш шароитида ўтлоқ себарга хом ашёсининг турғунлигини ўрганиш унинг ташқи белгилари ва сон кўрсаткичларини 3 йил давомида деярли ўзгармаслигини кўрсатди. Шунинг учун ўтлоқ себарга ер устки қисмидан тайёрлаган вақтидан бошлаб 3 йил давомида фойдаланиш тавсия этилади.

Турли давлатларнинг меъёрий ҳужжатларига киритилган доривор ўсимлик воситаларини сифати ва тадқиқот усулларига қўйиладиган талабларнинг уйғунлаштиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, тақлиф этилаётган хом ашёнинг сифати ва хавфсизлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторида микробиологик тозалик, радионуклидлар, пестицидларнинг қолдиқлари аниқланди. Тадқиқот натижалари ўтлоқ себарга ер устки қисмининг экологик тозаллиги ва қўллашда хавфсизлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берди.

Олинган маълумотлар асосида ЎзР ФА С.Ю.Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институтининг саноат маҳсулотларини ишлаб-чиқариш лабораториясида бизнинг иштирокимизда ишлаб чиқарилган ўтлоқ себарганинг куруқ экстракти ва «Remedy Group» МЧЖ ҚҚда унинг асосидаги «Диабефор» капсулалари дори воситасини ишлаб-чиқариш билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларни ечими ҳал этишга хизмат қилди.

Куруқ экстракт олишда осон, иқтисодий томондан арзон (асосий таъсир этувчи биофаол моддалар йиғиндисини ўсимлик маҳсулотидан ажратиб олиш сув ёрдамида амалга оширилади) ва хавфсиз технология, ҳамда 20-23% тайёр маҳсулотни олиш имконини берадиган ҳамда экстракт таркибига асосий таъсир этувчи моддаларни максимал ажралиб чиқишини таъминлаб ва физиологик фаолликни сақлаш имконини беради.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, куруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари фармакопея талабларига жавоб берди.

Клиник олди фармакологик тадқиқотлар натижасида, пинитол сақловчи ўтлоқ себаргасини куруқ экстрактини безарарлигини ва организмга нојўя таъсирини йўқлиги билан биргаликда сезиларли гипогликемик таъсир кўрсатади, шунингдек, гепатопротектор, яллиғланишга қарши ва пешоб ҳайдовчи таъсирни ҳам намоён қилади. Хусусан, алиментар, адреналин, аллоксан ва глюкозали моделларида ўтлоқ себарга ер устки қисми куруқ экстракти гипогликемик фаоллиги бўйича хорижий намуна Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган «Глукейр» дори воситасидан қолишмайди.

Қайд этилган ўсимлик воситаларини стандартлаш, хом ашёни пинитол бўйича стандартлаш сингари амалга оширилди, яъни хом ашё-субстанция-тайёр дори шакли қатордаги кўрсаткичлар, меъёрлар ва сифатини баҳолаш усуллар унификациясини таъминловчи ягона “туташ” стандартлаш усулидан фойдаланилди.

Олинган натижалар асосида «Remedy Group» МЧЖ ҚҚ билан биргаликда ўтлоқ себаргаси ер устки қисми, субстанцияси-куруқ экстракт ва унинг дори воситаси “Диабефор” капсулаларидан тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш учун КФМ лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ нинг “Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизация давлат маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

“Диабефор” капсулалар клиник синовдан ўтказиш учун ЎзР ССВ Фармакология кўмитасининг қарорига мувофиқ розилиги олинди (25.04.2017 йилдаги 29/03-506-сонли хати) ва ЎзР ССВ Этика Кўмитасининг 21.12.2017 йилдаги 9-сонли қарорига мувофиқ клиник синовларни ўтказиш учун клиник базалар белгиланди (08.01.2018 йилдаги 9/16-сон маълумотномаси).

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига ўтлоқ себаргаси куруқ экстракти асосида гепатопротектор таъсирли ва ўтлоқ

себаргаси курук экстракти асосида пешоб ҳайдовчи дори воситаси бўйича патент олиш учун талабнома юборилиб, ушбу №IAP 20170041 ва №IAP 20170315 сонли талабномалар бўйича дастлабки экспертизадан ўтганлиги тўғрисида қарори олинган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор маҳаллий флоранинг себарга ўсимлиги турлари бўйича фармакогностик тадқиқот олиб борилди.

2. Илк бор Ўзбекистонда ўсадиган себарга ўсимлигининг 7 та турини ер устки қисмини морфологик-анатомик тузилиши ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида маҳаллий себарга турларини ташқи кўриниши ва микроскопик тузилиши бўйича маҳсулотни идентификация қилиш учун диагностик кўрсаткичлари аниқланди.

3. Себарга ўсимлигини 7 та тури таркибидаги асосий таъсир этувчи биологик фаол моддаларлар сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланди ҳамда асосий моддалари пинитол ва изофлавоноидлар эканлиги ва улар энг кўп миқдорда ўтлоқ себаргаси ўсимлиги таркибида мавжудлиги аниқланди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳамда ўтлоқ себарга маҳсулотини кенг тарқалганлиги ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида ушбу ўсимлик тури танлаб олинди.

4. Комплекс фармакогностик ва клиник олди тадқиқотлар натижасида ўтлоқ себаргаси гипогликемик таъсирга эга янги самарали ва безарар дори воситаси сифатида тавсия этилди.

5. Ўтлоқ себаргасини ер устки қисми таркибидаги унинг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси пинитол, изофлавоноидлар, аминокислоталар, ёғ кислоталар, каротиноидлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар, моно- ва полисахаридлар, минерал моддалардан иборат эканлиги аниқланди. Ҳом ашёдаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари таркиби ва миқдори белгиланди.

6. Тавсия этилаётган ҳом ашёни стандартлаш тизими таклиф этилди: асосий таъсир этувчи модда - пинитолни сифат ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди; ҳом ашёнинг чинлигини ва сифат кўрсаткичлари тавсифлари аниқланди, тажрибада уларни тайёрлаш ва сақлашнинг муътадил муддатлари ишлаб чиқилди.

7. Ўтлоқ себаргаси ўсимлигининг курук экстракти ва унинг асосидаги «Диабефор» капсула дори воситани яратиш ва стандартлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ечими топилди.

8. Олинган маълумотлар асосида тиббиёт амалиётида фойдаланишга руҳсат олиш мақсадида юқорида кўрсатилган дори воситаларга, КФМ лойихаси ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВнинг «Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизация давлат маркази» ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАЛИЛОВА Шахноза Равшановна

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВИДОВ
КЛЕВЕРА, ПРОИЗРАСТАЮЩИХ В УЗБЕКИСТАНЕ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD / Far9.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Урманова Флюра Фаридовна**
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:** **Юлдашев Зокиржон Обидович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Патсаев Анапия Каныбекович
доктор химических наук, профессор, академик

Ведущая организация: **Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт им. А.Султанова**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSC.27.06.2017Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871)256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г.).

И.И.Алимджанов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней
д.мед.н., профессор

Р.Т.Туляганов

Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней д.б.н., профессор

С.Н.Аминов

Председатель Научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Для лечения заболеваний во всем мире уделяется большое внимание использованию лекарственных средств на растительной основе, чем синтетическим препаратам. По данным Всемирной организации здравоохранения, в настоящее время в мире более 150 млн. людей больны сахарным диабетом, из которых 80-90% приходится на больных диабетом 2-го типа. Предполагается, что к 2025 году этот показатель увеличится до 300 млн. человек. При лечении сахарного диабета благодаря комплексному действию и безвредности большим спросом пользуются лекарственные средства на растительной основе.

Учитывая эффективность и безопасность лекарственных растительных препаратов, во всем мире уделяется особое внимание научным исследованиям в этом направлении. В этой связи поиск новых видов растений отечественной флоры, выявление новых веществ, а также обоснование оптимальных условий для создания лекарственных средств и внедрение в фармацевтическую практику перспективных видов клевера, считается приоритетным направлением.

Республика Узбекистан является богатейшим регионом сосредоточения лекарственных растений. Лечебные свойства клевера известны издавна. В народе клевер популярен, его используют при самых разных заболеваниях. Широкие возможности, созданы в годы независимости явились важным фактором для развития фармацевтической промышленности. Разработка эффективных, дешевых, импортзамещающих лекарственных средств на основе местных растений и проведение работ по их промышленному производству и экспорту для удовлетворения потребностей мировых клиентурных рынков является требованием времени. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определила основное направление развития фармацевтической отрасли: «развивать фармацевтическую промышленность, улучшать обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами»¹. Отмеченные обстоятельства и широкое распространение видов клевера на территории нашей республики обосновывают актуальность использования их в качестве лекарственного растительного сырья с широким терапевтическим действием, в том числе для лечения сахарного диабета, решения вопросов его стандартизации и внедрения в производство.

Данная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

Узбекистан»,

Узбекистан», ПП-3137 от 17 июля 2017 года «Дополнительные меры по совершенствованию системы обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», ПП-3489 от 23 января 2018 года за «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ретроспективный анализ литературы показал, что в трудах великого Абу Али ибн Сино клевер луговой описан под названием «хандакука». В настоящее время широко известны результаты исследований по созданию лекарственных средств на основе местного сырья таких отечественных ученых, как Х.Х. Холматов, Т.П. Пулатова, А.Я. Ибрагимов, Х.М. Комилов, Ф.Ф. Урманова, С.Н. Аминов, У.М. Азизов, А.К. Ганиев.

Клевер является предметом изучения ученых разных стран. Необходимо отметить исследования Бабаскина В.С., Ботирова Э.Х., Дренина А.А., Казакова А.Л., Atkinson Ch., Banisalam B., Clare A.M., Day N.E., Dunning A.M, Dowling C., Dowsett M., Esmaeili A.Kh., Frydenberg M., Healey C.S, Husband A.J., Jarred R.A., Keikha M., Khazaei M., Li S., Liu S., Mohajer S., Risbridger G.P., Runswick Sh., Sala E., Scollen S., Sun Z., Taha R.M., Tian O., Pedersen J.S., Warren R.ML. Ими выявлен комплекс разнообразных, сложных по своему химическому составу биологических активных веществ видов клевера, обуславливающий их терапевтическую эффективность, зависимость химического состава видов от местности их произрастания, разработаны рекомендации по применению, во многих случаях в виде биологических активных добавок.

Отечественные виды клевера следует отнести к числу практически неизученных в фитохимическом отношении растений. Отсутствуют нормативная документация, регламентирующая подлинность и качество сырья; остается открытой морфолого-анатомическая диагностика видов клевера для объективной оценки их подлинности; нет утвержденных методик качественного и количественного определения основных действующих веществ.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Разработка и внедрение в медицинскую практику оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений».

Целью исследования является фармакогностическая характеристика видов клевера отечественной флоры для обоснования возможности использования их в медицинской практике в качестве лекарственного растительного сырья и создания эффективных лекарственных средств на их основе.

Задачи исследования:

обосновать перспективность использования видов клевера флоры Узбекистана в качестве лекарственного растительного сырья на основании ресурсоведческого и химического анализов, изучения современного состояния степени изученности, структурного разнообразия и биологической активности представителей рода *Trifolium* L.;

изучить морфолого-анатомическое строение семи видов клевера отечественной флоры и выявить анатомо-диагностические признаки, необходимые для идентификации растительного сырья;

